



ict.xabar.uz



**РАҲБАР  
КАДРЛАР УЧУН  
МАХСУС КУРСЛАР  
ЯКУНЛАНДИ**

2-бет.



Машхур Morgan Stanley дастурчиси Достонбек ТОИРОВ:

**КЕЛАЖАГИМНИ  
ЎЗБЕКИСТОНДА  
КЎРАМАН**

4-бет.



**АЁЛЛАР  
УЧУН  
МУҲИМ  
МАСЛАҲАТЛАР**

8-бет.

Gazeta 1992-yil martdan chiqqan boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**03 (1529)-son  
21-yanvar  
2022**

@xabaruzofficial  
 @xabaruzofficial  
 facebook.com/xabar.uz/

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



## IT-ЙЎНАЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Президентнинг ПҚ-4851-сонли қарорига асосан, республиканинг барча туман (шаҳар)ларида информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни босқич-ма-босқич ташкил этиш белгиланган бўлиб, 2020-2021 йиллар мобайнида Андижон вилоятида 7та IT-мактаб фаолияти йўлга қўйилди.

Жорий йилда эса вилоятнинг Пахтабод, Хўжабод, Марҳамат, Жалақудук, Избоскан ва Олтинқул туманларида ҳам худди шундай мактаблар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

АКТ вазирлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят ХТБ вакилларида иборат ишчи гуруҳ томонидан ташкил этилиши режалаштирилган олти IT-мактабнинг инфратузилмаси шарт-шароитлари ва моддий-техник базаси, ахборот технологияси йўналиши бўйича имкониятлари ўрганилди.

## ЖАҲОН ШАХСИЙ КОМПЮТЕРЛАР БОЗОРИ

(Сотилган қурилмалар сони (минг дона), компанияларнинг бозордаги улуши, 2021 йил)

1. Lenovo – 81 935 (23,5 фоиз)
2. HP Inc. – 74 104 (21,2 фоиз)
3. Dell Technologies – 59 303 (17,0 фоиз)
4. Apple – 27 775 (8,0 фоиз)
5. Acer Group – 23 906 (6,9 фоиз)

- Бошқалар – 81 777 (23,4 фоиз)
- ЖАМИ – 348 800 (100 фоиз)



Манба: IDC

## Ўзбекистон почтаси: КЎҲНА АЛОҚАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ОДИМЛАРИ



Алоқа воситаларининг энг қадимгиси ҳисобланган почта алоқаси соҳасида кейинги пайтларда қатор муаммолар кўзга ташланиб қолган эди. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш, йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш, соҳани бугунги кун талаби даражасига кўтариш учун 2020 йил 5 октябр куни Давлатимиз раҳбари томони-

дан Миллий почта тизими-ни ислоҳ қилишга бағишлаб йиғилиш ўтказилди ва бир қатор топшириқлар берилди. 2020 йилнинг 14 декабрида Президентнинг "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4921-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан 2021-

2023 йилларда почта алоқасини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси", 2021-2025 йилларда почта алоқаси ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари, 2021 йилда 42та намунавий туманларда (шаҳарларда) почта алоқаси корхоналарини трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи "Йўл харита"лар тасдиқланди.

Таълим ва тараққиёт

## ЯНГИ IT-МАКТАБЛАРГА КОМПЮТЕРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

Навий вилоятида Президентнинг ПҚ-4851-сонли қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилида информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилиши бир қанча IT-мактаблар ташкил этиш режалаштирилган.

Шу муносабат билан Зарафшон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабига, Кармана туманидаги 2-сонли, Қизилтепа туманидаги 4-сонли ва Хатирчи туманидаги 20-сонли умумтаълим мактабларига АКТ вазирлиги томонидан 64та замонавий компютер қурилмалари (моноблоклар) етказиб берилди. Ушбу моноблоклар вазирликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, Telecom Innovations кўшма корхонаси ҳамда "Ўзимпексалоқа" МЧЖ раҳбар-ҳодимлари томонидан мактаб директорларига топширилди.





Жумадан  
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 13 январдаги фармонида мувофиқ, мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари кун муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. 14 январ кун Президент Администрациясида ушбу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев барча ҳарбий хизматчиларни ва соҳа фахрийларини мазкур шонли сана билан табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 январ кун маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда маҳаллабай ишлаш тизимини ташкил этиш учун амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

17 январ кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Сердар Бердимухамедовни қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 17 январ кун мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди. Унда ихтисослаштирилган мактаблар боسقича-боسقич Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилиши белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 19 январ кун Тошкент шаҳрида жамоат транспорти ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди. Унда Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига пойтахтимизда жамоат транспорти ривожлантириш концепциясини қайта кўриб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 январ кун Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида" ги фармон ҳамда "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарор эълон қилинди.

## АКТ ВАЗИРИ АЧАРЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТАРМОҒИ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИ БИЛАН УЧРАШДИ



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Ҳиндистоннинг Ачаря институтлари тармоғи ижрочи директори Вишеш Чандрашекар билан учрашди.

Учрашувда меҳмонлар IT-мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари билан таништирилди. Шу билан бирга, томонлар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама

қилинди. Хусусан, Ўзбекистонда IT-таълимни ривожлантиришга оид Ҳиндистон томонини қизиқтирган масалалар юзасидан маълумотлар ҳам берилди.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда хорижий олий таълим

муассасалари юртимизда ўз филиалларини очиб истагини билдирмоқда.

1990 йилда ташкил этилган Ачаря институти тармоғи Бангалордаги энг йирик хусусий таълим муассасаларидан биридир. Унинг таркибига 10та институт ва 15та тадқиқот маркази киради. Ачаря институтлари тармоғида 75 мамлакатдан 12 мингдан зиёд талабалар ва 250 нафар докторант бор. Таълим юздан ортиқ ўқув дастурлари бўйича олиб борилади.

Замонавий менежмент

## РАҲБАР КАДРЛАР УЧУН МАХСУС КУРСЛАР ЯКУНЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзбектелеком" АК ҳамда "МФактор" ўқув маркази ҳамкорлигида "Рақамли иқтисодийтни ривожлантиришда замонавий менежмент" мавзусида раҳбар кадрлар учун ташкил қилинган махсус ўқув курслари якунланди.

Ўқув курсининг ёпилиш тадбирида АКТ вазири ўринбосари Ж.Махсудов иштирок этиб, соҳада эришилган ютуқлар ҳамда 2022-2026 йилларда соҳани юқори даражага олиб чиқиш бўйича режалар билан таништириб ўтди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси ҳамда "Инсон қадрли учун" тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти-та устувор йўналишдан иборат Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси асосида нафақат соҳани такомиллаштириш, балки соҳада фаолият юритаётган ходимлар, айниқса, раҳбар кадрларнинг маҳоратини ва менежментдаги малакасини ошириш муҳим ҳисобланади. Чунки раҳ-

бар кадрнинг бошқарув фаолияти мукамал бўлса, у раҳбарлик қилаётган ташкилот албатта юқори даражада иш олиб боради, - дея таъкидлади Ж.Махсудов.

Бундан ташқари, телекоммуникация соҳасига алоҳида урғу бериб, режага кўра вилоятларда мобил интернет тармоғи вилоят бўйича оширилиши таъкидланди. Шу билан бирга, соҳани ривожлантиришда раҳбар ходимлар бир-бирлари билан бевосита тажриба алмашишлари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир якунида курслардан муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификатлар берилди. Ўқув курслари замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва инновацион таълим технологияларини қўллаган ҳолда олиб борилди.



## Ўзбекистон почтаси: КЎҲНА АЛОҚАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ОДИМЛАРИ

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолиятини трансформация қилиш, моддий-техник базасини такомиллаштириш ва иш фаолиятини рақамлаштириш, шунингдек, почта ва курьерлик хизматларини кўрсатиш қўламини кенгайтириш, электрон тижорат, банк ва давлат хизматларини кўрсатишни жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Ўзбекистон почтаси”нинг мавжуд ахборот тизимлари, хусусан, Тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича автоматлаштирилган тизим янгиланди, AVVAL бренди остида ишга туширилди ҳамда унинг мобил иловаси ҳам яратилди.

Бугунги кунда мазкур тизимда бодан ортиқ тўловларни қабул қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек, почталонлар 1000та мобил қурилмалар билан таъминланди. Бундан ташқари, қўшимча равишда 1800та мобил қурилмалар харид қилинди. Эндиликда почталонлар хизмат кўрсатиш ҳудудида аҳолидан турли тўловларни онлайн тартибда қабул қилиши мумкин бўлса, аҳоли эса ўзидан чиқмасдан тўловларни онлайн равишда амалга ошириши мумкин.

Почта алоқасининг аънанавий хизматларини такомиллаштириш, уларни рақамлаштириш, жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш, онлайн тартибда кузатиб бориш ва етказиш жараёнига ахборот технологиялари ва тизимларини жорий этиш мақсадида “Почта хизматларини кўрсатиш жараёнига автоматлаштириш тизими” ишлаб чиқилиб, ишга туширилди.

Чекка ҳудудлардаги 750дан ортиқ почта алоқаси объектларида банк хизматларини, жумладан, банк карталарини пул маблағлари билан тўлдириш ва нақд пул ечиш бўйича хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига банк хизматларидан фойдаланишларига қулайликлар яратилди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бугун республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли учун 930га яқин почта алоқаси объектларида 30 турдан ортиқ давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Оддий тилда айтганда, энди аҳоли давлат ва банк хизматларидан фойдаланиш учун туман марказига бориши шарт эмас. Энг яқин почта бўлимига бориб, бундай хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Маълумки, ахборот технологиялари ривожланиши билан электрон тижорат бозори ҳам ривожланди. Бу жараёнда онлайн савдо майдонларининг аҳамияти жуда ҳам юқори. Ана шундай эҳтиёжларни қондириш, бу жараёнда фаол иштирок этиш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва мижозларга

етказиб бериш имкониятини берувчи UNISAVDO онлайн савдо майдончаси яратилди. Ҳозиргача 300дан ортиқ тадбиркорнинг 15000га яқин маҳсулотлари майдончага жойлаштирилди.

Ушбу майдонча тадбиркорларнинг маҳсулотларини республикамизнинг барча вилоятларида сотиш ҳамда аҳолининг ушбу маҳсулотларни онлайн сотиб олиш имкониятини яратди.

Электрон тижорат билан шугулланувчи тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида ва Андижон вилоятининг Асака туманида логистика маркази қурилди, Бухоро вилоятининг Вобектн туманида ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида логистика марказини қурилиш ишлари якунланмоқда.

Почта алоқаси объектларида янги хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилганлиги муносабати билан малака ошириш бўйича ўқув маҳсулотларида 3650 нафардан ортиқ почта ходимлари малакаси оширилди.

Бундан ташқари, ҳар бир вилоятдан учтадан, жами 42та туманлар намуна сифатида танлаб олиниб, ўша туманларда почта алоқаси хизматларини ривожлантириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш юзасидан ишлар олиб борилиб, жумладан:

- почта алоқаси хизматларини кўрсатишни аҳолига яқинлаштириш мақсадида 14та мобил алоқа бўлимлари ташкил этилди. Ушбу мобил алоқа бўлимлари аҳолининг яшаш манзилларида бориб, ўша ернинг ўзида почта алоқаси

хизматларини кўрсатиш имкониятини яратди;

- 250дан ортиқ почта алоқаси бўлимлари ягона корпоратив дизайн асосида жиҳозланди;

- 140дан ортиқ почта алоқаси объектларининг биноси таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди;

- 20дан ортиқ енгил конструкцияли биноларда почта алоқаси хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди;

- 310дан ортиқ почта алоқаси бўлимига 640 километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари тортилди.

Кейинги йилларда ҳам “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кўрсатилаётган почта алоқаси хизматларининг сифатини яхшилаш ва янги хизматларни жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Биринчи навбатда, қишлоқ ҳудудида жойлашган почта бўлимлари фаолияти самарадорлигини ошириш, у ерда яшовчи аҳоли учун давлат хизматлари, банк хизматлари ва бошқа хизматларни кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Иккинчидан, почта ва курьерлик хизматлари сифати яхшиланиб, турлари кўпайтирилади.

Учинчидан, электрон тижорат ривожланиши учун зарур логистик инфраструктура такомиллаштирилади.

Мазкур логистика марказлари, энг аввало, интернет-савдо майдончалари эгаларига ўз маҳсулотларини сақлаш, яъни омборхона муаммосини ҳал этади ҳамда интернет-савдо майдонча орқали харид қилинган маҳсулотлар шу ернинг ўзида қисқа муддат ичида қадоқланиб, мижозларга етказиб бериш имкониятини беради.

Шунингдек, “Гибрид почта” тизими такомиллаштирилиб, Ягона миллий тизим жорий этилди. Гибрид почта хизматининг афзаллиги шундаки, давлат органлари ва ташкилотлари почта жўнатмаларини конвертга солиш, унга марка ёпиштириш, олувчининг манзилларини ёзиш ва почтага олиб келиш вазифаларидан халос бўлишда.

Эндиликда давлат органлари ва ташкилотлари иш жойларидан хатни электрон шаклда юборди, олувчининг манзилига хизмат кўрсатадиган туман ва шаҳардаги почта алоқаси боғламаси уни қозғоқ кўринишида чоп этиб, манзилга етказиб беради. Бунинг натижасида почта жўнатмасини етказиб беришдаги назорат муддатлари қисқаришига эришилди, яъни аввал почта жўнатмалар энг чекка ҳудудда яшовчи аҳолига 6-8 кун ичида етказиб берилган бўлса, эндиликда бунинг учун 1-2 кун талаб этиляпти, холос.

Бугунги кунда, 100дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари ушбу хиз-

матдан фойдаланмоқда. Гибрид почта жўнатмаларининг ҳажми 2020 йилга нисбатан 2021 йилда 2 баробар кўпайиб, 3,9 миллион донани ташкил этмоқда.

Почта алмашинувларини амалга оширишда фойдаланилаётган автотранспорт паркни янгиланди, бунинг учун 110дан ортиқ катта ва кичик ҳажмдаги юкташувчи автотранспорт воситалари харид қилинди. Наттижада, магистрал ва вилоят ички почта алмашинувларининг сони кўпайишига эришилди, жумладан, аввал почта алмашинувлари ҳафтасига 5 маротаба ўтказилган бўлса, эндиликда ҳафтасига 6 маротаба ўтказилмоқда.

Туманларда жойлашган почта алоқаси боғламалари ҳам қўшимча автотранспорт воситалари билан таъминланди, баъзи ички йўналишлар қайта тикланди.

Почта жўнатмаларини етказиб беришдаги логистика тизими қайта кўриб чиқилди. Бунда почталонлар электроскутердан фойдаланган ҳолда жўнатмаларни марказдаги почта саралаш бўлимидан “боғлама-мижоз” схемаси асосида олиб, олувчиларга етказиб бериш механизми йўлга қўйилди, бунинг учун 500га яқин электроскутерлар билан таъминланди.

Наттижада мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди ҳамда почта жўнатмаларни етказиб бериш вақтини қисқартиришга эришилди, яъни аввал почталонлар томонидан почта жўнатмалари олувчиларга 2-3 кун ичида етказиб берилган бўлса, ҳозирги кунда электроскутер орқали 1 кун ичида элтиб берилмоқда.

Шунингдек, аҳолига почта алоқаси хизматларидан контакtsiz ва куну тун фойдаланиш имкониятини берадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган почтамаатлар хизмати йўлга қўйилди. Бунинг учун аҳоли гавжум жойларга, йирик савдо марказларига, олий ўқув юрталарига ва почта алоқаси объектларига 71та почтамаатлар ўрнатилган.

Эндиликда жўнатувчи почта жўнатмаларини адресатнинг уй манзилига эмас, почтамаатнинг манзили бўйича жўнатиш, шунингдек, адресатлар номига келган почта жўнатмаларини уларнинг хоҳишларига кўра уй манзилларига етказиб бериладиган, хавфсизлиги таъминланган ҳолда исталган вақтларида почта жўнатмаларини почтамаатлардан олиш, бунда почта алоқаси хизматларидан контакtsiz фойдаланиш имконияти яратилди.

Аҳолига почта алоқаси хизматларидан фойдаланишлари учун қулайлик яратиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида учта туман почта алоқаси боғламаси ва 54та почта алоқаси бўлими фаолият қайта йўлга қўйилди ҳамда 600га яқин янги иш ўринлари ташкил этилди.

# “

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ БИЛАН ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ БОЗОРИ ҲАМ РИВОЖЛАНДИ. БУ ЖАРАЁНДА ОНЛАЙН САВДО МАЙДОНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ЖУДА ҲАМ ЮҚОРИ. АНА ШУНДАЙ ЭҲТИЁЖЛАРНИ ҚОНДИРИШ, БУ ЖАРАЁНДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ МАҚСАДИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОНЛАЙН СОТИШ ВА МИЖОЗЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРУВЧИ UNISAVDO ОНЛАЙН САВДО МАЙДОНЧАСИ ЯРАТИЛДИ.**

Машхур Morgan Stanley дастурчиси

Достонбек ТОИРОВ:

# КЕЛАЖАГИМНИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЎРАМАН

“Хориждаги ватандошлар” лойиҳамизнинг бу галги суҳбатдоши Америка қўшма Штатларидаги машхур Morgan Stanley ширкатида дастурчи сифатида ишлаётган Достонбек ТОИРОВ бўлди.



**Муваффақиятга  
билим орқалигина  
эришиш мумкин**

Ота-онам муваффақиятга фақат яхши билим олиш орқалигина эришиш мумкинлигини таъкидлашади. Шу боисдан улар таълим олишимизга алоҳида эътибор қаратишган. Олти ёшимдан Андижон шаҳридаги 34-давлат ихтисослаштирилган мактабда ўқидим. Мактаб даврида ҳам уларнинг фанларни яхши ўзлаштиришимга нисбатан эътибори кучли эди. Ўқишга бўлган кучли қизиқишим, ота-онам ва устозларимнинг билим бора-сидаги кўмаги сабаб мактабни имтиёзли шаходатнома билан тамомладим. Сўнг Андижон давлат университети қошидаги 5-сонли академик лицейда таҳсил олдим.

**Таймс сквердаги  
улкан пешлавҳада  
суратим берилди**

Morgan Stanleyда 2020 йил маълум муддат амалиёт ўтаганман. Амалиётга қабул қилиниш жараёни Red Hat компаниясида стажировкамни яқунлашга яқин бошланган. Яъни, Morgan Stanleyда ишлайдиган танишим билан боғланиб, ундан тавсиянома олганман. Аризани топширгангандан бир ой ўтиб, мени уларнинг Нью-Йоркдаги бош офисига суҳбатга чақирди. Суҳбатда ширкатнинг икки вакили билан техникавий, ҳуқуқий ва шу каби бошқа мавзуларда савол-жавоб бўлди. Кейин бир ҳафта ўтиб, суҳбатдан муваффақиятли ўтганим тўғрисида кўнгирок қилишди. Шу тариқа Morgan Stanleyда амалиётни ўтаганман. Амалиётнинг дастлабки кунлари мен учун унутилмас воқеа содир бўлди. Аниқроғи, компания маъмурияти ташаббуси билан Нью-Йоркнинг машхур Таймс сквердаги улкан пешлавҳада менинг исм-шарифим ва суратим эълон қилинган. Бундан

“

**ҚАҲРАМОНИМИЗ 1998  
ЙИЛИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА  
ТУҒИЛГАН. 2016 ЙИЛИ ТОШ-  
КЕНТДАГИ ХАЛҚАРО ВЕСТ-  
МИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИГА  
ЎҚИШГА КИРГАН. БИРОҚ  
ХОРИЖДА ЎҚИШ ИСТАГИ СА-  
БАБ ЎҚИШНИ ТАШЛАБ, 2017  
ЙИЛИ ҚўШМА ШТАТЛАРГА  
ЙЎЛ ОЛАДИ. ЎША ЙИЛИ КЕН-  
ТУККИ ШТАТИДАГИ БЕРЕА  
КОЛЛЕЖИГА ГРАНТ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИ-  
НАДИ. 2021 ЙИЛИ ЭСА МАЗ-  
КЎР ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ  
ТАМОМЛАДИ.**

ниҳоятда хурсанд бўлганман. Бу янгилик ўша вақт Ўзбекистондаги бир қатор нашрларда ҳам берилди. Юртдошларимизни ушбу қўллаб-қувватлаши икки ҳисса мени қувонтирган.

**Береа коллежи  
тўрт йиллик барча  
харажатларимни  
қоплаб берди**

Андижонда ўқиб юрган кезларимдан қўшимча хорижий тилларни, айниқса, инглиз тилини мукамал ўрганишга ҳаракат қилганман. Мақсадим, хорижнинг нуфузли таълим даргоҳларида ўқиш бўлган. Береа коллежи ҳақида лицейнинг биринчи босқичида ўқиётганимда эшитганман ва айнан шу ерда ўқиш мен учун муҳим мақсадга айланганди. Лекин лицейни тугатиб, баъзи сабаблар билан, Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида ҳужжат топширдим. Университетга, афсуски, грантга эмас, контракт асосида қабул қилиндим. Шу тўғрисида ҳам яна Береа коллежга топшириш иштиёқи кучайди. 2016 йилнинг ноябрида барча керакли ҳужжатларни тайёрлаб

коллеж маъмуриятига юбордим. Шундай бўлса-да, Вестминстер университетидаги ўқишни давом эттириб турдим. 2017 йилнинг апрел ойи бошларида Береа коллежидан грант асосида талабалikka қабул қилинганлигим тўғрисида хат келган. Шу тарзда Қўшма Штатларга йўл олдим. 2021 йили мазкур таълим муассасасини Компютер ва ахборот фанлари, Математика ва бизнес бошқаруви йўналишларида тамомладим. Ҳозир Morgan Stanley ширкатида меҳнат фаолиятини олиб бораётганман.

Бу ерга келишимнинг яна бир асосий сабабларидан бири – Қўшма Штатларнинг юқори даражадаги сифатли таълим тизими, айниқса, мен танлаган соҳада. Ундан ташқари, молиявий сабабларга кўра, тўлиқ грант олиб ўқиш мен учун жуда муҳим эди. Береа коллежи эса тўрт йиллик ўқиш учун барча харажатларни қоплаб берувчи грантни тақдим этган.

**Кампусда ишлаган  
талабаларга маош  
берилади**

Коллежим Береа шаҳарчасида жойлашган. Шаҳар адирлар ва кичик ўрмондан иборат яшил табиатли худуд. Коллеж шаҳарнинг катта қисмини эгаллаган. Береани талабалар шаҳарчаси дегувчилар ҳам бор. Коллежда дунёнинг 120дан зиёд давлатлари ва АҚШнинг деярли барча штатларидан келган 1600дан ортиқ талабалар таҳсил олишади. Береа коллежи бодан кўп биноларни ўз ичига олган. Улардан 15га яқини талабалар ётоқхонаси, улкан кутубхона, спорт комплекси, аниқ фанлар ва бошқалардан иборат.

Қолаверса, коллежда талабалар дарслардан ташқари кампусда тайинланган ишларда ҳафтасига 10–15 соат ишлашлари лозим. Бу ишга албатта ойлик тўланади. Талабалар ишдан топган пулларини ўзларининг шахсий харажатлари учун сарфлашлари мумкин.

**АҚШ – янгиликлар, янги  
кашфиётлар маркази**

Болаликдан АҚШни янгиликлар, янги кашфиётлар маркази деб ўйлаганман. Ва бу ерга келиб фикрларим кўп жиҳатдан ўзини оқлади. Ҳақиқатан ҳам, АҚШ йирик молиявий ва инновацион марказ. Ўрганадиган тажрибалар талайгина.

Ўйлашимча, АҚШнинг фуқароларга индивидуал шароитлар яратиб бераётгани, қонун ҳимоясининг тўлиқ ишлаши, ютуқлар ва ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши мамлакатнинг бугунги мавқеига сабаб бўлган. Энг муҳими, бу ерда фуқаронинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, мансабидан қатъи назар ўз ғояси ёки бизнесини бошлаш учун барча керакли манбалар ва қонунчилик механизми етарлича яратилган.

**Келажагимни  
Ўзбекистонда кўраман**

Яқинда, аниқроғи, ўтган йилнинг ноябр ойида Ўзбекистонга бориб келдим. Очиғи, тўрт йилдан ортиқ вақт давомида мамлакатимизда юз берган ўзгаришларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Аввалдан ҳам ўзи интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар орқали янгиликларни кузатиб келганман. Лекин ижобий ўзгариш ва янги бунёдкорлик ишларини кўз билан кўриш бошқача ҳиссиёт берди.

Келажақдаги мақсадларим кўп. Булардан энг асосийси танлаган соҳамда билим ва тажрибаларимни кўпайтириб, профессионал даражага етишиш ва шу орқали бошқалар учун яхшилик келтирадиган ишларни амалга оширишдир. Умуман, келажагим ва тақдиримни Ўзбекистондан йироқда тасаввур қилмаганман. Фурсат етиб, албатта, мамлакатимизга қайтиб, хайрли режаларимни амалган ошираман.

## IT-PARK ПЛАНИРУЕТ НАРАСТИТЬ ЭКСПОРТ ДО \$500 МЛН. ЗА СЧЁТ АУТСОРСИНГА

В 2022 году IT-Park планирует нарастить экспорт услуг в сфере IT в 2,5 раза, сообщила пресс-служба организации.



По данным организации, за год объём экспортируемых IT-услуг также вырос примерно в 2,5 раза. Если в 2020 году резиденты IT-Park поставили за рубеж услуг на \$16,3 млн., то в 2021 — уже \$40 млн.

В дальнейшем планируется увеличивать «цифровой» экспорт разными путями. Так, IT-

Park будет искать по всему миру перспективные компании в сфере информационных технологий и аутсорсинга, которые подходят к условиям Узбекистана.

Совместо с МИВТ технопарк организует встречи с представителями данных компаний, чтобы заинтересовать их в

местном рынке и привлечь их в Узбекистан. Кроме этого, к развитию сферы аутсорсинга будет привлечено местное бизнес-сообщество.

Также IT-Park уделит внимание созданию условий для запуска новых направлений аутсорсинга. Для этого предполагается наладить сотрудничество с компаниями из Индии и Бангладеш, а также подготовку местных предпринимателей у них.

Под аутсорсинг планируется создать специальную площадку BPO Plug and Play Center. Зарубежные компании смогут разместить свои офисы в нём по доступной цене, а сэкономленные средства реинвестировать в свой бизнес.

Новая площадка станет своего рода песочницей — здесь местные IT-предприниматели смогут знакомиться со всеми процессами работы аутсорсинга, чтобы организовать их самостоятельно.

Благодаря комплексным мерам IT-Park рассчитывает в 2022 году реализовать IT-услуги для зарубежных клиентов на \$100 млн. К концу 2025 года эту цифру предполагается довести до \$500 млн. в год.

### МОЛОДЕЖЬ КАРАКАЛПАКСТАНА ОВЛАДЕЛА НАВЫКАМИ ЗАПУСКА СТАРТАП ИНИЦИАТИВ



Программа развития ООН провела двухдневный обучающий тренинг по основам предпринимательства и этапам запуска стартап инициатив для молодых людей в возрасте 18–30 лет из Кунградского, Муйнакского, Бозатауского районов и г. Нукус.

Обучение проводилось в партнёрстве с Агентством по делам молодёжи в Каракалпакистане и в тесном сотрудничестве с Территориальным управлением министерства инновационного развития Республики Каракалпакистан в рамках Совместной программы ПРООН, ЮНФПА, ФАО «Продвижение творческого и инновационного потенциала молодёжи и уязвимого населения посредством укрепления их адаптационного потенциала для решения проблем экономической и продовольственной безопасности в уязвимых сообществах региона Приаралья», финансируемой Многопартнерским трастовым фондом ООН по человеческой безопасности для региона Приаралья в Узбекистане.

Предусмотрено создание местных стартап инкубаторов и акселераторов в рамках данной программы, которые будут поддерживать инновационные идеи молодых предпринимателей в Каракалпакистане. Планируется внедрение молодежной платформы при Агентстве по делам молодёжи, где будут предоставлены все необходимые условия для самореализации будущих предпринимателей и развития у них навыков в области стартап проектов.

ПРООН продолжает деятельность по содействию в повышении эффективности и внедрении инноваций в сельском хозяйстве Каракалпакистана, продвижении умных и цифровых сообществ с благоприятной инфраструктурой для расширения прав и возможностей молодёжи, женщин, а также уязвимых групп людей, среди которых люди с инвалидностью, семьи, возглавляемые женщинами, трудовые мигранты и другие.

### ЗАПУЩЕН НОВЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ — «NURAFSHON TV»

В целях повышения осведомлённости населения о проводимых реформах и возможностях в Ташкентской области Указом Президента Республики Узбекистан от 18 ноября 2021 года решено создание в Ташкентской области нового телеканала «Nurafshon TV».

Министерство ИКТ поручило ГУП «ЦРТ» совместно с НТРК Узбекистана осуществить технические мероприятия трансляции телеканала «Nurafshon TV».

ГУП «ЦРТ» были реализованы технические мероприятия и с 17 января 2022 года обеспечено тестовое вещание нового телеканала «Nurafshon TV» на Ташкентской телебашни и радиотелевизионных станциях Ангрен, Шоугаз, Чарвак и Бекабад.

## В УЗБЕКИСТАНЕ ВПЕРВЫЕ НАЧАЛИ ВЫПУСКАТЬ БЕСПИЛОТНЫЕ ЛЕТАТЕЛЬНЫЕ АППАРАТЫ

Пресс-служба Госкомитета оборонной промышленности сообщает, что в Узбекистане, впервые в Центральной Азии, налажено местное производство беспилотных летательных аппаратов.

Разработчиком дрона LOCHIN выступил Научно-производственный центр беспилотных авиационных комплексов при Госкомитете оборонной промышленности. Продукция имеет двойное назначение — военное и гражданское.

В распоряжении центра имеется все необходимое — сборочные комплекты, технологическое, производственное, ремонтное и обслуживающее оборудование, спецоборудование, лабораторные испытательные стенды и многое другое. Специалисты Центра прошли подготовку за рубежом.

Разработанный Центром беспилотный летательный аппарат LOCHIN может выполнять самые разные военные и гражданские задачи, в том числе: вести разведку, наносить удары по противнику, вести наблюдение в режиме реального времени, наводить артиллерийский огонь, а также использоваться в сельском хозяйстве, нефтегазовой промышленности, управлении железными дорогами, равно как помогать геологам, картографам, топографам и другим специалистам.

В настоящее время разработки продолжают, ведутся научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы для дальнейшего развития национального бренда беспилотных летательных аппаратов.



Мобильная связь от UZTELECOM на всех станциях метро

## UZTELECOM ОБЕСПЕЧИЛ МОБИЛЬНОЙ СВЯЗЬЮ ВСЕ СТАНЦИИ МЕТРОПОЛИТЕНА ТАШКЕНТА

Абоненты UZTELECOM могут совершать звонки, отправлять SMS и пользоваться интернетом на всех станциях линий Ташкентского метрополитена.

До недавних времен связь на станциях метро была недоступна для посетителей, однако к концу 2021 года национальный оператор UZTELECOM запустил масштабный проект по обеспечению метро высокотехнологичной связью с помощью специального современного оборудования для покрытия сети — одно из важных событий в сфере телекоммуникационных технологий в Узбекистане. Приятным обновлением к началу нового 2022 года стало полномасштабное покрытие метрополитена — всех линий и станций — мобильной связью от UZTELECOM.

Каждый абонент мобильной связи стандарта GSM национального оператора UZTELECOM теперь имеет возможность поддерживать связь, даже находясь в метро на глубине десятков метров. Звонки, SMS, интернет — все это доступно на выгодных условиях и в хорошем качестве с UZTELECOM.



Google

## GOOGLE VA APPLE СУДГА ТОРТИЛДИ

Американинг икки IT-гиганти яна можаро марказида: уларга қарши катта суд кетмоқда.

Антимонополиячилар кўзгаган даъво Google ва Apple учун кичикроқ компанияларга бўлиниб кетиш хавфини соляпти. Компаниялар интернет қидирувида рақобатга тўсқинлик қилиш учун тил бириктирилганликда айбланипти.

Ҳали жараён охирига етгани йўқ. Ўйлашмики, гигант брендлар судда бўш келмаслик йўлларини ҳам билади. Бошқа томондан, қонун барчага баробарлиги ҳам бор гап.

## 2021 ЙИЛДА ИНСОНИЯТ МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАРГА ҚАРИЙБ 4 ТРИЛЛИОН СОАТ САРФЛАДИ

Пандемия шаштидан тушишига қарамай, 2021 йилда мобил қурилмаларга сарфланган вақт бирлиги ошди. App Annie глобал мобил саноат ҳақида 12 январ куни эълон қилган ҳисоботда шундай дейилади.

Мобил қурилмалардан энг кўп

фойдаланаётган етакчи ўн мамлакатда ўртача бир фойдаланувчи кунига 4,8 соат вақтини экранга тикилиб ўтказаяпти.

Дунё бўйича эса 2021 йил давомида смартфон ва планшетларга сарфланган жами вақт 3,8 триллион соатни ташкил этди. Бунда икки омил муҳим рол ўйнади: биринчидан, жон бошига мобил қурилмалар сони кўпайди, иккинчидан, аксарият фаолликнинг ўзи мобил қурилмаларга кўчиб ўтди.



Сезиб турганингиздек, ҳамманинг кўзини экранга михлаган “биринчи рақамли” нарса бу — ўйин. Утган йил давомида мобил ўйинлар бозори 15 фоизга ўсди.

2021 йилда янги бир тенденция шаклланди: метакоинотлар учун хусусий рақамли аватарларини яратишга мўлжалланган иловаларга талаб 160 фоизга ўсди.

## ЕТТИ ЁШЛИ ҚИЗЧА YOUTUBE ОРҚАЛИ БИР ЙИЛДА 28 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ИШЛАДИ

Forbes журнали россиялик етти ёшли Настя Рад-

зинскаяни (Like Nastya) жаҳон YouTube-блогерлари рейтингига киритди. Қизча 2021 йилда ушбу видеохостинг воситасида 28 миллион доллар даромад қилди.

Рейтингда биринчи ўринда — Жимми Доналдсон (MrBeast), 2021 йилда унинг ютуб-даромади 54 миллион долларга етди. Иккинчи ўриндаги Жейк Пол эса 45 миллион доллар ишлаган. Учинчи — блогер Markiplier 38 миллион доллар.

Етти ёшли Радзинская рейтингда олтинчи погонани банд этди.

Настя Радзинская Краснодар ўлкасида туғилган, болалар церебрал фалажи билан касалланган. Роликлари турли тилларда чиқади. Унинг видеороликларида ота-онаси билан вақтни қандай ўтказаятигани, қандай ўйинлар ўйнаши, ҳайвонот боғига саёхатлари ҳақида ҳикоя қилинади.



Like Nastya каналидаги реклама ҳуқуқини Dannon ва Legoland сотиб олган. Қизча ижтимоий тармоқларда машҳур бўлганидан сўнг ота-онаси билан АКШнинг Флорида штатига кўчиб кетган.

## “ХАВФСИЗ” СМАРТФОН ТАҚДИМ ЭТИЛДИ: КАМЕРА ВА GPS ЙЎҚ

Американинг Benco бренди остида танилган INONE Technology компанияси бошқа смартфонларга ўхшамайдиган қурилмасини тақдим этди — Benco V80s. Смартфонда камера ва GPS йўқ. Ишланма муаллифлари бу смартфон ўз шахсий ҳаёти дахлсизлигини ҳамма нарсадан устун қўйишга одамлар учун мўлжалланган, дейишмоқда.

Мазкур смартфон фойдаланувчиларини вирусли дастурлар, масалан, malware surveillance воситасида кузатиш имконсиз, дейилмоқда.

Камера ва GPS йўқлигини ҳисобга олганда, бу смартфон бошқаларидан деярли фарқ қилмайди. Смартфон 4G стандартни қўллаиди, 6,517 дюймлик экран (1600×720 пиксел)га эга. Бармоқлар сканери бор, саккиз ядроли Imagination GE8322 процессори 1,6 ГГц частотада ишлайди, оператив хотираси — 3/4 ГБ, ички хотираси — 32/64 ГБ. Benco V80s да microSD карталар учун слот мавжуд, бата-рейси сиғими — 5000 мАс.

CO V80s

action

No GPS. High Security

© 2022 INONE Technology



## Халқаро ҳаёт

### ҚОЗОҒИСТОН ВОҚЕАЛАРИДАГИ ЖАМИ ҚҮРБОНЛАР СОНИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Қозоғистон Бош прокуратураси Жиноят прокуратураси бошқармаси бошлиғи Серик Шалабаев мамлакатдаги нотинчлик даврида 225 та жасад ўликхоналарга етказилганини маълум қилди.

Улардан баъзилари тартибсизликлар иштирокчиларига тегишли. 19 нафар полициячи ва аскар ҳалок бўлган. Жами 4578 киши жабрланган.

“Бу дастлабки маълумотлар, улар ўзгариши мумкин”, — дейилади баёнотда.

Қозоғистонда 10 январ куни мотам эълон қилинганди.

### УКРАИНАДА БАРЧА БОСМА ОАВЛАР ДАВЛАТ ТИЛИДА ЧИҚИШНИ БОШЛАДИ

Украинада 16 январдан бошлаб барча босма ОАВлар давлат тилида чиқишни бошлади.

Янги қоидаларга мувофиқ, бундан буён Украинада чоп этилаётган барча газета ва журналлар тиражнинг камида 50 фоизи украин тилида бўлиши керак. Маълумот берилишича, чет тиллардаги босма нашрларнинг обуна бўйича тарқатилишига, уларнинг давлат тилидаги талқинлари ҳам бўлган тақдирда рухсат этилади. Агарда ОАВ чет тилида чоп этилса, унинг украинча талқини ҳам бўлиши шарт. Фақат худудий нашрлар учун

истисно бор — уларга 2024 йилдан украин тилига ўтиш мажбурияти юкланган.

Янги қоидалар қрим-татар, инглиз тили ёки Европа иттифоқининг расмий тилларида чоп этиладиган босма нашрларга татбиқ этилмайди.

### МАЛИНИНГ АҒДАРИЛГАН ПРЕЗИДЕНТИ ИБРОҲИМ БУБАКАР КЕЙТА ВАФОТ ЭТДИ

Мамлакатдаги исён Лоқибатида ҳукумат бошқарувидан кетказилган Мали президенти Иброҳим Бубакар Кейта пойтахт Бамакода вафот этди.

Кейта 29 январ куни 77 ёшга тўлган бўларди. У 2013–2020 йилларда Мали президенти бўлган.

### “ПОРОХ БОЧКАСИ”: ЕРНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ КЕСКИН ЁМОНЛАШДИ

Ернинг муҳим кўрсаткичлари кескин ёмонлашди. Бу ҳақда Орегон университети олимлари огоҳлантиришмоқда.

Тадқиқотчиларнинг кузатувларига кўра, 2020 йил кузатувлар тарихидаги энг иссиқ учта йилдан бири бўлди. Сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, тўфонлар — табиий офатлар сони ва кучи кўпайиб борапти.

Ҳаммасига сабаб — сайёрамиздаги иқлим ўзгаришлари.

Энг ёмони, сайёрамизда иссиқхона газлари миқдори ошиб борапти. Бу каби ҳолатлар

Ерни “порох бочкаси”га айлантириб қўймоқда.

Ўзгаришлар маржон қояларининг емирилиши, Амазония тропик ўрмонлари майдонининг қисқариши, Ғарбий Антарктида ва Гренландия муз қалқонларида дарзлар пайдо бўлаётгани билан боғлиқ.

Жаҳон миқёсидаги пандемия локдауни ҳавонинг ифлосланиш даражасини пайсатирди, бироқ иқлим ўзгаришига ижобий таъсир кўрсата олмади, дейишмоқда тадқиқотчилар.

### ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ҚОРА БРИЛЛИАНТ СОТУВГА ҚЎЙИЛДИ

Sotheby's кимошди Савдолари уйи дунёдаги энг йирик — 555,55 каратли “Энигма” қора бриллиантини сотувга қўйди. Бриллиантнинг онлайн савдоси 3–9 феврал кунлари Дубайда ўтказилади.

Номи ошкор қилинмаган эгаси олмосни 1999 ёки 2000 йилда ишлов берилмаган шаклда сотиб олган. Ушанда қимматбаҳо тошнинг оғирлиги 800 каратдан ошган, қора бриллиантга ишлов беришга йиллар сарфланди ва унда 55 та қирра пайдо бўлди.

Sotheby's маълумотига кўра, бу дунёдаги ишлов берилган энг йирик табиий қора бриллиант. “Энигма” 2006 йилда Гиннеснинг рекордлар китобига дунёдаги энг катта ишлов берилган олмос сифатида кирганди.

“Энигма” захира нархисиз савдога қўйилади, яъни бриллиантнинг бозор қийматидан қатъи назар, энг катта нархни тақлиф этган харидорга сотилади. Тўлов воситаси сифатида криптовалюта қабул қилинади.



## “АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ ТАРИХИ ВА МЕРОСИ” ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ 2021 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди 2008 йилда ўз фаолиятини бошлаб, ўзининг олдига қўйган мақсад ва вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Жумладан, соҳа тарихи, ривожланиш ва тараққиёт босқичларини элта танитувчи соҳа музейларини ва уларнинг худудий бўлиmlарини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш Жамоат фондининг мақсад ва вазифаларидандир.

**Ж**амоат фонди ўз фаолиятини “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган Режа-дастурга мувофиқ олиб боради ва ҳар чорак якунида бажарилган ишлар ҳақида Васийлик кенгаши йиғилишида ҳисобот беради.

Жамоат фондининг 2021 йил учун мўлжалланган Режа-дастури Васийлик кенгашининг 2021 йил 18 январдаги 1-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган ва ушбу Режа-дастур асосида иш олиб борилган. Жумладан, музейда мавжуд “Фахрий алоқачилар”, “От арава” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги” номи экспозициялар қайта янгиланди ҳамда “Таксофонлар” экспозицияси ташкил этилди. Шунингдек, режадан ташқари музейнинг учинчи қаватида “Ўзбекистон Республикаси почта маркали давлат коллекцияси” деб номланган янги экспозиция ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Жамоат фондининг асосий вазифасидан бири бўлган музейларни ташкил этиш, фаолиятини олиб бориши ва кундан кунга тақомиллашиб боришига бошчилик қилишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, алоқанда таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Алоқа тарихи музейи” ҳамда қайта реконструкция қилинган Хива “Алоқа тарихи музейи” ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг энг нуфузли музейлари қаторидан ўрин эгаллаган.

Жамоат фондининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан яна бири бўлган “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди филиалларини ташкил этиш бўйича фондининг Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги филиаллари ташкил этилиб, ўз фаолиятини Жамоат фонди тасдиқлаган Режа-дастурга мувофиқ олиб боради ҳамда бажарилган ишлар ҳақида маълумотларни мунтазам равишда тақдим этиб келмоқда.

Соҳа музейларининг асосий вазифасидан бири ёш авлодга Ватанга бўлган меҳрини кучайтириш, ҳар бир соҳанинг ўзига хос томонларини очиб беришдан иборат. Шундан келиб чиқиб, “Алоқа тарихи музейи”да шу кунга қадар 170 миңдан зиёд ҳамюртларимиз ҳамда чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатилди. Хива шаҳридаги “Алоқа тарихи музейи” доимий равишда Фонд назорати ва кўрсатилган методик ёрдами асосида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг барча йўналишлари юқори суръатларда ривожланмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2022 йил

Жамоат фонди режасига албатта соҳа корхона ва ташкилотлари ёрдами асосида Тошкентдаги “Алоқа тарихи музейи” экспозицияларининг бир қанчаси тубдан янгилаш киритилган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, музей қошида ташкил этилган, энг сўнги технологичлар билан жиҳозланган кинозалда юртимиз ва жаҳон музейларининг виртуал экспозицияси ва халқимизнинг бой маданий мероси тўғрисидаги фильмлар доимий равишда ташрифчиларга номойиш этиб борилади.

Музейнинг учинчи қаватида жойлашган сўнги технологиялар билан жиҳозланган иккита конференция зали ҳозирги кунда соҳанинг ахборот марказига айланган.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ўз харажатларини Васийлик кенгаши раиси томонидан тасдиқланган смета харажатлари асосида амалга ошириш ва ҳар чорак якуни бўйича Васийлик кенгаши аъзоларига бажарилган ишлар, амалга оширилган чора-тадбирлар ҳамда сарфланган харажатлар тўғрисида маълумот бериб боради.

2021 йил учун смета харажатларида корхона ва ташкилотлар томонидан беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш жами 1 424 515,0 миң сўм режалаштирилган бўлиб, 2022 йил 1 январ ҳолатига жами 1 424 515,0 миң сўм маблағ жамоат фондининг ҳисоб рақамига келиб тушди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ва Алоқа тарихи музейининг 2022 йил 1 январ ҳолатига даврий харажатлари тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида ишлатилган. Барча харажатлар тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида амалга оширилган. “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди фаолиятида шаффофликка эришиш мақсадида, фонд ҳисоб рақамига соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан келиб тушган маблағ ҳақидаги маълумот ОАВда эълон қилинади.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ва “Алоқа тарихи музейи”нинг 2021 йил учун тасдиқланган смета харажатлари бўйича 1 424 515,0 миң сўм режалаштирилган бўлиб, Жамоат фонди ҳамда музей фаолияти ва уларнинг моддий техника таъминотини яхшилаш, музейни ривожлантириш ва жиҳозлаш учун ҳақиқатда жами сарф қилинган харажатлар эса 1 421 994,0 миң сўмни ташкил қилди. 2022 йил 1 январ ҳолатига жами смета харажатлари бўйича 2 521,0 миң сўм иқтисод қилинди.

Ўтказилган танлов асосида Жамоат фонди Васийлик кенгаши маъқуллаган “IMPULS-AUDIT” МЧЖ ташкилоти томонидан Жамоат фондининг 2021 йилдаги молиявий фаолиятини текшириш мобайнида корхонанинг барча молиявий фаолияти тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида эканлиги қайд этилди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ўз фаолиятини 2022 йил учун мўлжалланган Жамоат фонди Васийлик кенгаши томонидан 2022 йил 20 январдаги 1-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган Режа-дастурга мувофиқ давом эттиради.



### 45 ДАҚИҚАДА 40 НАФАР ЎҚУВЧИНИ ҚАМРАБ ОЛИШ МУМКИНИМИ?

Мамлакатимизнинг аксарият умумтаълим мактабларида ҳар бир синфда 30-35 нафардан ўқувчи билим олаётганини кўриш мумкин, марказий ҳудудларда бу кўрсаткич 40-45 нафарга етиб қолган. Ваҳоланки, Вазирлар Маъкамасининг қарори билан 2017 йилда тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомда синфда ўқувчилар сони 35 нафардан ошмаслиги белгиланган.

Ушбу Низомга асосан дарс машғулотларининг давомийлиги 45 дақиқа этиб белгиланган. Бу вақт давомида бир синфда 35-40 нафар ўқувчи билан дарсни тўлақонли ўтиб, машғулот давомида барча ўқувчини қамраб олиш қийин кечади. Бундай вазиятда педагог ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғулланишга, мавзунини батафсил тушунтиришга, мустақамлашга доир машқлар бажартиришга улгурмайди.

Тўғри, кўп нарса педагогнинг салоҳияти ва малакасига боғлиқ. Бироқ кўпсонли ўқувчилар, чегараланган вақт туфайли педагогга боғлиқ бўлмаган ҳолда дарс сифати пасаяди. Ўқувчиларни тинчлантириб, диққатини жамлаш учун ҳам анча вақт кетиб қолади. Ҳар бир ўқувчидан мавзунини сўраб баҳолаш учун 1 дақиқадан вақт ажратганда ҳам камида 30-40 дақиқа кетади. Ҳолбуки, синфдаги иқтидорли ўқувчига қўшимча топшириқ бериш, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга ёрдам бериш лозим. Бундай синфдан билимдон ўқувчи етишиб чиқиши эҳтимоли пасаяди.

Баъзи мактабларда ўқувчиларнинг сони меъёрдан ортиб кетишига сабаб - ота-оналарнинг фарзандини кўпроқ таълим рус тилида олиб бориладиган муассасага беришига интилиши, малакали кадрларнинг марказий ҳудудда эканлиги сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, марказий ҳудудларда дарс машғулотлари 2-3 сменада олиб борилади. Иқтидорли ва паст ўзлаштирувчи ўқувчи билан дарс машғулотида кейин индивидуал ишлаш учун вақт ва хона муаммо.

Ўқувчи сонини меъёрлаштириш лозим. Психологларнинг таъкидлашича, синфдаги ўқувчилар сони назарияда 18-20 нафардан ошмаслиги керак, лекин низомда 35 нафар, амалда эса ундан ортиқ. Ушбу муаммони бартараф этиш учун мутасаддилар тегишли чораларни кўришлари лозим. Тўғри, ҳамма нарсага босқичма-босқич эришилади, лекин таълим тизими учун йўқотилган вақт катта зарар бўлиши мумкин.

Феруза БАКИРОВА,  
Тошкент вилояти Зангиота туманидаги  
14-ИДУМ ўқитувчиси

### Меҳр акцияси

Дунёда қувончу шодликлар бисёр. Аммо болажонларнинг шўх-шодон кулдулари, хурсандчиликлари ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Кўзларида згулик ва меҳр қалқиб турган болажон мусаффо осмонда эркин парвоз этаётган қалдирғоч мисоли.

## БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШДИК

Аввал хабар қилганимиздек, “Электромагнит мослашув маркази” ДУҚда “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда хайрия китоб ярмаркаси ташкил этилган эди. Яқинда акция доирасида корхонамиз ходимларининг ташаббуси билан жамғирилган китоблар ва турли совғалар касалхонада даволанаётган болажонларга етказилди. Тадбирда болажонларнинг севимли мулқидим қахрамонларининг ҳам иштирок этгани барчанинг юзига табассум, қалбларига хурсандчилик улашди.

Фурсатдан фойдаланиб, хайрия акциясида иштирок этган “ЭМММ” ДУҚ барча ходимларига миннатдорлигимизни билдирамыз.



Д.ТҶИЧИЕВА,

“ЭМММ” ДУҚнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича маъсул ходими

# ҲАММАМИЗ ВАТАНПАРВАР БЎЛИШИМИЗ КЕРАК!

**Ш**арқий ҳарбий округ фахрийлар кенгаши раиси, подполковник Тожимирза Ғиёсов билан учрашувдан бир олам таассурот олдик. Шунинг эътирофи этиш лозимки, ҳарбийларимиз ҳақида телевидениеда кўрганимизда, газеталарда ўқганимизда ҳаётимизни Ватан туйғусиз тасаввур ҳам эта олмаслигимиз бор бўйи билан намоён бўлади. Лекин Қуролли Кучларимиз сафларида Армиямиз, Ватаним, Халқим деб кун-тун мардонавор хизмат қилган инсон билан суҳбат қуришнинг гаши боисидан бу муқаддас туйғу янада юксалар экан. Буни биз, почтачилар, ўз дилимиздан ўтказдик. Ўзбекистонимизни қанчалар қаттиқ севишимизни юрак-юракдан ҳис этдик.

Учрашувда подполковник мустақиллигимизнинг илк йилларида Қуролли Кучларимизни ташкил этиш билан боғлиқ 2000 йилгача бўлган қийинчиликларни бирма-бир санаб ўтди. Ватан учун кўксини қалқон қилиб қаҳрамонларча қурбон бўлган халқимизнинг мард ўғлонларини, жумладан, Бобиржон Ғаниевнинг жасорати ҳақида сўзлади ва юрт учун жон фидо қилган ботирларнинг оилаларига, фарзандларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ва имтиёзлар тўғрисида ҳам тўлақонли маълумотлар берди.

– Кейинги йилларда Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида Миллий армиямиз кудрати бекиёс даражада ўсди, таъкидлади қаҳрамонимиз гуруҳи ва ифтихор билан. – Беҳисоб шукрлар бўлсинки, мени халқаро мусобақаларни телевидениеда кузатиб, ҳарбийларимизнинг ғолибликни қўлга киритганини кўришга ва, энг муҳими, му-



дофаамиз салоҳияти кучайиб, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан қуролланган кунларни кўришга муяссар айлади. Ҳарбийлар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги улкан ишлар ва уларнинг самараларидан қанчалар шод эканлигимни-чи, таърифлашга сўз топа олмайман. Қани айтинлар-чи, ҳарбий қисмларимизда яратилаётган қулай шарт-шароитларни кўрганлар борми? Агар кўрмаган бўлсангиз, боринг. Ҳар жума кунларида ўтказиладиган “Очиқ эшиклар кунини” да таширф буюрсангиз, ҳарбийларимизнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳияти кескин ошгани, жанговар тайёргарлик даражаси билан тўла танишиб, аниқ тасаввур ҳосил қилишларингиз мумкин. Биргина ошхоналарни олинг – жуда кўркам, покиза! Қўлайликлар шунчаларки, бамисоли ресторан дейсиз. Таомлари ҳам шунга монанд, хилма-хил. Бўрттириб айтаяти деб ўйламанглар. Боринглар. Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, дейдилар...

Армиямизга, элу юртимизга

хизмат қилишдан чарчамай, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган, умрини ҳарбий хизматга бағишлаган донишманд ҳамсуҳбатимизга ҳурматимиз ошгандан ошди.

Бу учрашув бир вақтлар Ленинград вилоятида ҳарбий хизматни ўтаган мендек алоқачи-радиот ушун, айниқса, бошқача мароқли бўлди. Чиндан-да глобаллашув ва рақобат кучаяётган, айрим давлатларда қуролли ғалаёнлар бўлаётган даврда ҳаммиз хушёр бўлишимиз зарур. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек маънавий-маърифий ишларимизга тажрибали ҳарбийларимиз ва илм-фанимизнинг етук вакиллари билан жалб этишимиз мақсадга мувофиқдир. Унутмайликки, тез-тез таъкидланаётгандек, ҳаммамиз ватанпарвар бўлишимиз керак!

**Сайдулло АХУНЖОНОВ,**  
“Ўзбекистон почтаси” АЖ  
Фарғона филиали цех касаба  
уюшмаси кўмитаси раиси



■ Чарм буюмлар (хамёнлар ва сумкалар)даги ёғ доғларини болалар учун мўлжалланган упа кукун билан кетказиш мумкин. Кукунни доғ устига кечкурун сепинг, тонда ундан асар ҳам қолмайди.

■ Оқдй намлантирувчи крем чарм сумка ёки пойабзалдаги тирналган жойларни яширади. Пахтали чўп ёрдамида кремни тирналган жойга суриг ва эҳтиёткорлик билан артинг.

■ Кийимлар (свитерлар ва футболкалар) шкафта гижим бўлмаслиги учун уларни тахланманг, яхшичи ўранг. Кийимлар чемадан ичида гижимланмаслиги учун эса уларни пластик халталарга жойланг.

■ Узоқ вақт шкафта сақланган кийимлар ёқимсиз чанг ва эскириш иси билан ҳидланиб қолади. Хидни йўқотиш учун сув ва ароқ (2:1) аралашмасидан фойдаланинг: кийимларга бу аралашмани шунчаки себиб чикинг.

■ Пойабзалдаги ёқимсиз ҳидни кетказиш учун унинг ичига истеъмол содасини сепинг.

■ Тирноқлардаги лак тез қуриши учун бармоқларингизни уч дақиқага совуқ сувга ботиринг.

■ Буюмни дазмоллагандан кейин уни дарҳол кийишга шояшманг, беш дақиқа осилиб туришига имкон беринг. Агар янги дазмолланган кийимни кийсангиз, у бир зумда яна гижим бўлади.

■ Лимон шарбати оқ кофтларни ҳунуқ қилиб қуядиган қўлтиқ остидаги сариқ доғларни кетказишда ёрдам беради. Шарбатни кир ювишдан аввал ифосланган жойларга сепиш керак.

## Саломатлик

### КЎЗИНГИЗ РАВШАН БЎЛСИН

Кўзларнинг саломатлигига турли омиллар путур етказиши мумкин, шунинг учун ҳам вақтида кўрилган чора кейин даволагандан кўра яхшироқ. Масалан, соғлом турмуш тарзи, парҳез сингари энг оддий воситалар кўзларимизни авайлаб-асрашда жуда муҳим. Rebuild Your Vision компанияси раҳбари Тайлер Соренсеннинг айрим тавсиялари эътиборга молик. Хусусан, у кўз учун муҳим озиқ маҳсулотларни санаб ўтди. Булар: черника; узум; сабзи; ёғли балиқ; баргли яшил сабзавотлар; ковол; лиёз; саримсоқпиез; тухум.

Бўлардан ташқари, жисмоний фаоллик муҳим – у танада қон айланишини яхшилайди, кўзлар кўп толиқмаслиги учун суткасига етти соатдан ортиқ ухлаш ҳамда кўпроқ сув ичиш зарур. Соренсеннинг таъкидлашича, сув кун давомида кўзларни етарлича намлик билан таъминлаб, уларни чанг ва губорлардан халос қилишда кўмаклашади.



## ЭЪЛОН!

■ Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 35-уйда жойлашган “EUROASIZ INSURANCE” МСНЖ QJ PRESTIGE филиалининг 2021 йилдаги TREVAl ONLANY A4 форматдаги 1057, 1058, 552, 1903, 1922, 2538, 2549, 2553, 2763, 2765, 2903, 2904, 2905, 2906, 1615, 2697 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

<b>Xabar</b> MUASSIS: O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI Bosh muharrir: Abdug‘ani ABDURAHMONOV		Tahrir Hay‘ati: Sherzod SHERMATOV (Hay‘at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Usmonjon YO‘LDOSHEV (Mas‘ul kotib). Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda “Xabar” dan olinganligi ko‘rsatilishi shart Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.		<b>MANZILIMIZ:</b> 100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko‘chasi, 2-uy (Mo‘ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz Obuna indeksi — 228. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO‘RIYEV. Navbatchi: Muhiddin SOLIYEV.									
Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro‘yxatga olingan.		Gazeta haftaning juma kuni chiqadi		Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi 41-uy.		1-159 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3125		ISSN 2010-6424 Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°					
Viloyat muxbirlari:		Andijonda (74) 226-47-80	Buxoroda (99) 854-7305	Jizzaxda (94) 199-95-64	Namanganda (91) 353-71-25	Navoiyda (79) 225-91-10	Nukusda 554-35-45	Samarqandda (91) 557-84-44	Termizda (99) 508-30-52	Toshkentda 234-18-59	Urganchda (97) 211-65-05	Farg‘onada (73) 244-18-05	Qarshida (93) 931-08-99